

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

— 2-2020 —

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

<b>Б.Холматова</b>	
Маънавий маданият тараққиётида миллий ва умуминсоний қадриятларнинг ўзаро алоқадорлиги .....	167
<b>А.Шарафиддинов</b>	
XIX аср охири – XX аср бошларида Қўқон шаҳри аҳолиси ва унинг ўсиш динамикаси.....	170
<b>Д.Алиязарова</b>	
Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги гуманитар алоқалар.....	173
<b>Ш.Мамадалиев</b>	
Болалар ўртасида ҳуқуқбузарликлар олдини олиш бўйича совет ҳокимиятининг фаолияти (1917 – 1921).....	176
<b>М.Мўминова, И.Якубов</b>	
Кетрин Мансфилд ҳикояларидаги ёлғизлик .....	178
<b>Н.Хошимова</b>	
Ассоциацияларнинг фоносемантик тадқиқи .....	180
<b>Н.Аббасова</b>	
Тил ўргатиш жараёнида инглиз мақол ва маталларини ўқитиш муаммолари.....	183
<b>Ш.Юсупова</b>	
Ўзбек тилига хос асосий диний концептлар ҳақида .....	187
<b>М.Курбанова, Д.Юсупова</b>	
Замонавий инглиз тилида “to force” феълининг функционал-семантик ва парадигматик тавсифи.....	190
<b>М.Ғофурова</b>	
Инглиз тилида қўлланиладиган варваризмларнинг функционал – семантик хусусиятлари .....	193
<b>М.Исломова</b>	
Ҳаёт ҳақиқати ва аллегорик тасвир.....	197
<b>С.Исроилова</b>	
Ҳикоят (притча)нинг бадиий адабиётдаги ўрни.....	200
<b>М.Мадазимова</b>	
Чингиз Айтматов ижодида архетип образлар ва уларнинг функцияси.....	203
<b>М.Ҳожиева</b>	
Назира ва унинг мумтоз адабиёт тарихидаги ўрни.....	206
<b>М.Ходжаева</b>	
Тилнинг товуш тизимини тадқиқ қилишнинг назарий методологияси.....	208
<b>М.Қаҳҳорова, Г.Астонова</b>	
Замонавий дарсликларда ёзиш кўникмаларини ривожлантириш усуллари.....	211
<b>Н.Ўринова, З.Жакбарова</b>	
Талабаларда ижтимоий-маданий компетентликни шакллантиришнинг педагогик-психологик муаммолари .....	214
<b>Д.Ҳайдарова</b>	
Нофилологик олий ўқув юртлари талабаларининг чет тилида коммуникатив компетенциясини шакллантириш мазмуни.....	217
<b>Ф.Мирзараҳимова</b>	
Чет тилини ўқитишда ижтимоий-маданий воситалардан фойдаланишнинг айрим жиҳатлари.....	220
<b>М.Қурбонова</b>	
Ўқитувчиларни ўқитиш ва психологик таълимнинг устуворликлари .....	225
	ФАНИМИЗ ФИДОЙЛАРИ
<b>УСТОЗЛАР САРДОРИ</b> .....	227
<b>МОҲИР ТАДҚИҚОТЧИ</b> .....	231

ИНГЛИЗ ТИЛИДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ВАРВАРИЗМЛАРНИНГ ФУНКЦИОНАЛ –  
СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

ФУНКЦИОНАЛЬНО-СЕМАНТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ БАРБАРИЗМОВ,  
ИСПОЛЬЗУЕМЫХ В АНГЛИЙСКОМ ЯЗЫКЕ

FUNCTIONAL-SEMANTIC FEATURES OF BARBARISMS USED IN ENGLISH

М.Ғофурова

**Аннотация**

Мақолада варваризмларнинг қўлланилиши – бу, шунчаки ёзувчи ёки гапирувчига эмас, балки тил коммуникатив функцияси пайтида тингловчи ёки китобхон учун таниш ёки нотаниш бўлган янги тил, янги дунё, янги маданиятнинг унсурларини у биладиган тилга олиб кириш ва шу йўл билан уни янги тил, янги маданият ва янги дунё билан таништируви ёритиб берилади.

**Annotation**

The use of barbarisms in the article is aimed not at a writer or a speaker but to introduce elements of a new language, a new world, a new culture that is familiar or unfamiliar to the listener or reader during the communicative function of the language and thereby introduce it into a new language, culture and to the new world.

**Аннотация**

Использование варваризмов в статье предназначено не для писателя или говорящего, а для введения элементов нового мира, новой культуры, которые знакомы слушателю или читателю во время коммуникативной функции языка, и, таким образом, вводит их в новый язык, культуру и новый мир.

**Таянч сўз ва иборалар:** варваризмлар, функционал, семантик, таржима.

**Ключевые слова и выражения:** барбаризмы, функциональный, семантический, перевод.

**Keywords and expressions:** barbarisms, functional, semantic, translation.

Инглиз тилида сўзлашувчи шахсларни дунёнинг барча қитъаларида учратиш имконининг борлиги инглиз тилининг дунёнинг бошқа тиллари билан бевосита контакт қилишига олиб келади. Натижада инглиз тилида ижод қиладиган муаллиф ўзи мулоқотда бўлган халқлар вакиллари билан гаплашганда, уларнинг ўзлари хоҳлаган ёки хоҳламаган ҳолда ўз тилларидаги сўз ва ибораларни, баъзи ҳолларда бутун–бутун сўзларни ўз она тилида айтишига олиб келади.

Масалан: I plove, the wife said (E.Hemingway, 1960-б.).

Бу варваризмнинг итальян тилидан кириб келганлиги бу суҳбатнинг Италияда бўлаётганлигидан дарак беради. Бу варваризм Э.Хемингуэй учун асар қахрамонининг нутқий ҳарактеристикасини бериш ва шу йўл билан бу персонажнинг бошқа – этносоциопсихологик хусусиятларини баҳолаш учун хизмат қилган бўлиши ҳам мумкин. Албатта, Э.Хемингуэй, шунчаки, оддийгина қилиб “It is raining, the wife said”, деб қўйса ҳам бўларди. Аммо унда биз бу воқеанинг Италияда содир бўлаётганини била олмас ва муаллифнинг бу ҳақда бирор нарса, бошқа бир гап қўшиб қўйишига тўғри келарди. Бу эса Э.Хемингуэйдек ёзувчининг маҳоратини хиралаштириши мумкин эди.

Мисол учун: Si, Si, Signora, brutto tempo

М.Ғофурова – ҚДПИ, инглиз тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчиси.

(E.Hemingway, 169-б.).

“Ҳа, ҳа, синьора оби ҳаво жуда расво”.

Бу гап тўлалигича итальян тилида айтилган. Бу варваризмнинг инглиз тилидаги матн ичида келиши эса юқорида айтилган омилларнинг таъсири билан изоҳланади, яъни бу ерда ҳам:

1) сўзловчининг она тили итальян тили;

2) суҳбат ўрни Италия;

3) муаллиф ўзининг итальян тилидан хабардор эканлигини кўрсатмоқда;

3) ҳаво Италиянинг ҳавоси, у ҳақда ёзувчи ҳар қанча ёмон фикр билдирса ҳам бўлаверади, ҳар қалай ўзга юрт.

3.It was lonely and rainy there, and there was a battalion of arditti quartered in the town (E.Hemingway, 81).

Бу гапдаги *arditti*– варваризми ҳам Италия ҳаётининг бир манзарасини гавдалантириб келмоқла. *Arditti* сўзи итальян тилидан олинган бўлиб, у итальян кўнгиллиларидан тузилган пиёда қўшини ҳарбий қисм бўлинмасини билдиради. Бу пиёда қўшлар батальони шаҳарда жойлашган.

Муаллифнинг бу сўзни қўллаш сабаби шундаки, пиёда қўшинлар Америкада бошқача номда юритилади ва агар Э.Хемингуэй ўша сўзни ишлатса, китобхонлар гап итальян қўшинлари ҳақида эмас, балки америка батальони ҳақида кетяпти, деб ўйлашлари мумкин эди.

3. *A bosso gli ufficali!* (E.Hemingway, 85-б.).

Бу гапнинг таржимаси “Йўқолсин офицерлар!” бўлиб, бу қисқа гап тўлалигича итальян тилида айтилган. Мазмундан кўриниб турибдики, бу гап итальян кўшинларининг вакили, оддий аскар ёки бирор бир сержант томонидан айтилган. Бу гапнинг варваризм шаклида келтирилишининг сабаби шундаки, Э.Хемингуэй катта ва кичик ҳарбийлар орасидаги муносабат, яъни оддий аскар ва сержантларнинг офицерларни ёқтирмаслиги фақат итальянларга хос, Америка армиясида бу ҳол кузатилмайди, демоқчи. “Америка аскарлари ва зобитлари бу каби мард, ноцивилизация муносабатлардан юқори туради, уларда патриотизм руҳи устун. Маданиятли халқ армиясида бунақаси бўлмайди”. Мана шу фикрни эксплицит ифодалаш учун ҳукми итальян тилида ифодалайди.

4. *Fratellanga* (Э.Хемингуэй, 86-б.); *Abregarione* (Э.Хемингуэй, 86-б.).

Бу икки бир сўзли гаплар Э.Хемингуэйнинг ҳикоялар тўпламидан олинган бўлиб, *fratellanga* нинг маъноси итальян тилида – биродарлик бўлиб, иккинчи сўз “*abnegarione*” – итальян тилида “фидойилик” маъносини беради.

Буларнинг инглиз тилида варваризм шаклида ишлатилиши ва инглиз тилига таржима қилинмасдан ишлатилишига юқорида айтиб ўтилган сабаблардан бошқа бир сабаби шундаки, америкалик газетчи, мухбир, оммавий ахборот вакиллари учун мафкура нуқтаи назаридан биродарлик ва фидойилик тушунчалари Америка маданияти, турмуш тарзи, ғоявий устунлари, мафкураси асосларига ёт сўз бўлиб, уларни инглиз тилида айтиш бу сўзларни АҚШ га олиб кириш, мазмунини аҳоли орасида кенг тарғибот қилиш, уларни ҳар соат, ҳар он эслатиб туриш Америка турмуш тарзи, маданияти нормаларига тўғри келмайди, шунинг учун уларни итальян вариантыда, яъни варваризм шаклида қолдириш мақсадга мувофиқ, деб топган буни муаллиф. Бу нарса табиий, ҳар қанчалик буюк бўлмасин, Нобель мукофотини олган бўлса ҳам, Э.Хемингуэй барибир ўз мафкуравий меъёрлари чегарасидан чиқиб кета олмайди, у биринчи навбатда америкалик ёзувчидир.

5. *Somebody knocked at the door.*

-*Avanti!* George said (E.Hemingway, 162).

6. *Dos cerveras, the man said into the curtain* (E.Hemingway, 163).

7. *A cat? Si, ilgatto “A cat” the maid laughed* A cat in the rain? (E.Hemingway, 160).

8. *At the cantina near the bridge they trustea him for three more grappas because it was so confident and mysterious about his job the afternoon.* (E.Hemingway, 169).

9. *Dild, Peduzzi said finally, taking hold of the young gentleman’s sleeve. Lire* (E.Hemingway, 170).

10. *“Was wollensie?” Peduzzi handed him the tenlira note folded orer and over* (E.Hemingway, 171).

11. *How mude is a quarter litre? The young gentleman asked the girl. Of the bianco? One lira.* (E.Hemingway, p. 171).

12. *Peduzziwap down at the river and did not notice her till she was alмест out of sight over the crest. Frau! he shereted. Frau! Frau lein! You are not going.* (E.Hemingway, p. 174).

Юқорида келтирилган 10-12 мисолларни таҳлил қилар эканмиз бизга қуйидагилар маълум бўлади.

-варваризмлар сифатида қўлланиладиган хорижий сўзлар одатда элементар, ҳаётда кўп ишлатиладиган сўзлар бўлади. Масалан:

а) элементар ҳаракатга йўналтириш буйруқлари (М: кириш (*avanta*); кулоқ сол, менга қара: (*senta*); узатиб юборинг: (*passer*) *keltomar*. *Interpreter* (таржима қилинг) ва ҳоказолар.

б) саломлашув формулалари: *Buondi!* (хайрли кун), *Files navidad!* (Рождество муборак!), *Chiao!* (Чао, хайр). *Frau, Fraulain! Sinbora! Messi* (жавоб), *Buvano!* (ха).

в) Мурожаат сўзлари: *hombre* (ошна), *Pardone* (хўжайин), *сатрад nevo* (дўст, ўртоқ, ошна), *schate* (ошна), *memsahib* (аёл), *sahib!* (жаноб).

г) Мавжуд ҳаракат ёки ҳолатга эмоционал муносабатни ифодалаш: *outré* (ажойиб), *quell* (хайвон!); *Was ein dog!* (қанақа ит бу?); *Quel bein chic!* (Ажойиб ит экан бу); *Ole! Ole! Foue!* (Бузуқи). *Enchantee* (жуда хурсандман).

д) Бажариладиган иш ҳаракатга муносабат. *presto* (тез-тез); *a good schlaffen* (яхши уйқу), *bouche fermee* (оғзини юмиб юриш); *tu es traeble*; (сен ҳаяжонланмаяпсан); *sur le chung* (дарҳол); *c’est impardonable* (буни кечириб бўлмайди), *avec moi* (мен билан бирга); *fada* (эзма ашула), *presto* (тезроқ).

е) Мулоқот иштирокчиларини бироз эмоционал холда баҳолаш.

*tu es sale* – сен чўчка! *touché!* – сен ютдинг! *le couchamar!* (кошмар!). *A basso gli ufficiali* (йўқолинг, офицерлар); *otro loco mas* (яна бир тентак), *quel* – (хайвон!) *goué!* (бузуқи).

ж) ичимлик ичишга алоқадор сўзлар:

*voní* (вино); *copita* (рюмкача); *grappa* (узум ароғи); *cantina* (қовоқхона); *Dos cerveras* (икки кружка), *Bal musette* (кабаре); *inresse* (зиёфат), *porto chianti* (вино); *fete* (зиёфат); *porto bianco* (оқ вино); *cointrean* (ликер), *pastis* (ликер).

з) Пул бирликлари:

*duros* – танга пул; - *Geld* (пул).

и) Асарда тасвирланаётган шаҳар, мамлакат, халқ ҳаётини тасвирловчи сўз, маданият ифодаси, миллий ёки этник реаллик.

Масалан: *matador* (буқа билан олишувчи); *caballos* (отлар), *safari* (ов қилиш мақсадида саёҳат қилиш), *concierge* (дарвозабон), *gauchos* (отлиқ чавандоз) ва ҳ.

к) Юқорида санаб ўтилган семантик гуруҳлардан ҳеч бирига тегишли бўлмаган тушунчаларни билдирувчи варваризмлар:

*gatto* (мушук); *vecchio* (қўрқув); *caro* (қиммат); *cleogec* (ёрдамчи); *angst* (қўрқув); *pada* (эзма ашула); *grande dame* (машхур хоним) ва ҳ.к.

Юқорида санаб ўтилган семантик гуруҳларнинг ҳар бирига тегишли маълум миқдордаги варваризмларни топиш, ўрганиш ва уни мос функционал гуруҳга жойлаш учун катта ҳажмдаги тил ва нутқ материални таҳлил қилиб чиқишга тўғри келади. Бу нарса кўпинча қаердаги ҳаёт тасвирланяпти, тасвирланаётган қаҳрамонлар кимлар, ким тасвирляяпти, улар қандай социопсихоэтнокультурологик регистрлар бўйича категоризация қилинади, – бу нарсалар варваризмларни ўрганиш, уларни баҳолаш учун жуда муҳимдир.

Бу каби сўзлар, одатда, юқорида эслатилганидек, бирор бир миллий қадрият, урф-одат ва ҳоказоларни билдирадиган сўзлар сирасига кирмайди. Улар шунчаки тушунчаларни, фикрларни бир-бирига бирлаштирувчи, ҳукмлар ўртасидаги турли модификацияларни, аниқроғи темпорал, локатив, каузал ва бошқа турдаги ҳодисаларни аниқлаштириш учун ишлатиладиган сўзларни ҳам ўз она тилида талаффуз қилган.

Бундай вазиятларда мамлакатда машхур бўлган айрим журнал, газета, театр, кинотеатр, стадионлар ва бошқаларнинг номлари ҳам француз тилида қолаверади. Масалан: *les Pensees* – “Фикрлар” – асари Блез Паскаль томонидан 1669 йил эълон қилинган диний-фалсафий асар бўлиб, унда муаллиф христиан динининг назарий асосларини таҳлил қилган эди. Асарда бу эслатилган.

*Vieux Moulin* - (G.Greene, p. 32). Бу ном ўзбек тилига “эски тегирмон”, деб таржима қилинади. Бу, Сайгон марказидаги ҳашамати ресторанлар бирининг номидир. Қаҳрамонлар кўпинча вақтини ресторанда ўтказишар, бизнес учрашувларини ташкил қилишарди. Г.Гриннинг “Ювош америкалик” асарида биз яна бир қанча варваризмларнинг гувоҳи бўламиз. Масалан: *sa douce langue natale* – Унинг нафис она тили. (G.Greene, p. 34). Бу гаплар вьетнам тили ҳақида айтилган, чунки биз санаб ўтган персонажлар – Фаулер – британиялик, Пайл – америкалик ва Фионг – вьетнамлик ва фақат Фионгина аёл жинсига мансубдир. Шунинг учун нима тилаётганлигини тушунамиз. (Гапнинг русча таржимаси: *Её нежный родной язык*).

*Il est mort* – у ўлди.

*Tu dis? Pyle est mort. Assassine.* (G.Greene, p. 34).

Нима дединг? Пайл ўлди. Уни ўлдиришди.

Бу вазиятда “Фаулер вьетнамлик қиз билан сўзлашяпти. Қиз француз тилида гапни бошлагани учун Фаулер француз тилида давом эттирди ва французчалаб сўради. Қиз французчалаб жавоб берди ва битта аниқлаштирувчи гапни қўшиб қўйди”.

Инглизча матн ичида французча бешта гап пайдо бўлди. Хўш, бу варваризмларни нима қилиш керак? Референциялар ёрдамида саҳифа остида ёки китоб охирида изоҳ бериш керакми? Албатта, йўқ. Чунки Г.Грин – инглиз ёзувчиси, у биладики, инглизларнинг аксарият қисми француз тилини тушунади, мулоқот қила олиш даражасида билади.

Шунинг учун уларни инглиз тилига таржима қилиб ўтирмайди. Агар асарни инглиз ёки немис эмас, араб ёки форс одам ўқиса, ўша варваризмларни тушунмайди, чунки у француз тилини ўрганмаган. Агар у француз тилини ўрганмаган бўлса, у буларни тушунмайди.

Инглиз ва француз тилларини яхши билсагина китобхон бу ердаги варваризмларни тушунади ва айтмоқчи бўлинган гапларни ўзининг интеллектуал савияси йўл қўйган даражада тушунади. Акс ҳолда у луғат титиш орқали керакли сўзни топади ва тушунишга ҳаракат қилади.

Варваризмларни бадиий асарларда персонаж нутқида қўллашнинг яна бир сабаби муаллифнинг ўз эрудициясини кўрсатишга уриниши, гўёки муаллиф кўп тиллар ва мамлакатларга оид билимга эга эканлигини кўрсатишга уринишидир. Бундай ҳолларда муаллиф кўпроқ ҳаммага маълум варваризмларни қўллашдан ўзини тўхтата олмайди. Одатда бу ўринда кўпроқ *Frau*, *Monsignor*, *Heir*, *Madmoiselle* ва шу каби ўзига хос интернационаллашиб, аниқроғи, глобаллашиб кетган варваризмлар ишлатилади.

Бошқа ҳолларда эса варваризмлар сифатида инглиз ёки ўзбек тилларида денотати йўқ, унинг эквиваленти эса бу нарса ҳақида ўқувчи (гапиридаган шахс) ёки таржима қилувчи шахс гапирадиган тилда мавжуд бўлмаган сўз ёки ибора бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда таржима имконсиз, фақатгина варваризм сифатида ўша оригинал тилдаги сўз тўла олиб янги тилнинг мос келадиган контекстида ишлатилаверади.

Қуйидаги мисолларни кўриб чиқайлик.

-*keri* – (фр.) (G.Greene, 40-б.) бу ҳарбийларнинг “козырек”ли айланасимон ясси юқори қисм ва олд томонга бироз пастлаган бош кийими бўлиб, у Буюк Британия, Германия, Италия, АҚШ, Россия каби давлатлар ҳарбийларининг бош кийимидан кескин фарқ қилганлиги, унинг муқобили бошқа давлатлар

армиялари шахсий таркибининг бош кийимлари ичида йўқ бўлганлиги учун уни ўз номида қолдиришга мажбур бўлган. Шу тўғрисида яна бир варваризм дунёга келган.

Варваризмларнинг функционал–семантик хусусиятларини тадқиқ қилишда давом этамиз: 50-51-бетларда биз бир кекса инглизнинг нутқида бир қатор варваризмларни учратамиз. Одатда гапирувчи инглиз бўлса, асар инглиз тилида ёзилса, бу каби элементар мазмунли гапларни инглиз тилида тўғри, мукаммал шаклда бериб кетаверса бўлади. Аммо ёзувчи нутқ вазияти француз тили бўлса, инглиз тили ўзи ҳам француз тилини билса, асарда персонажлар тилини ҳам инглиз тилида қилиб кетаверса бўларди. Аммо муаллиф асар тилини асар охиригача етарли даражада бадиий, етарли даражада услубий, етарли даражада мукаммал бўлишига эришиш учун англизабон чолнинг тилини ҳам француз тилига айлантириб қўйган.

Масалан, *Deux Americans* (150-б.) Икки америкалар қани? дегани. Француз тилида айтилди, чунки мурожаат инглиз тили эмас, балки француз тилини тушунадиган омма томонига йўналтирилгани тўғрисида ҳукмларни французча ифода қилишга мажбур бўлган.

Масалан: *Je suis len vieux. Mon ami il est tres riche ; tres vigorreus* (51-б.).

Мен қараб қолдим. Жуда чарчадим. Менинг дўстим эса... у жуда бой ва қудратли.

*tu es sale* (G.Greene, 51). Сен чўчқасан.

*Mon, non... je suis un Anglais, pauvre, tres pauvre* (G.Greene, 51).

Йўқ, йўқ... мен инглизман, камбағал, жуда камбағалман.

Бу варваризмни ишлатишдан мақсад персонажларнинг нутқий характеристикасини бериш эди, деб бўлмайди. Бу бир инглиз чол, Вьетнамда юрипти. Вьетнамга келиптими, демак, француз тилини билади, тушунади, мулоқот қила олади. Демак, унинг француз тилида мулоқот қилиши ёзувчи учун ҳам, китобхон учун ҳам янгилик эмас, ғайриоддий нарса эмас. Лекин, агар у камбағал бўлса, демак у бизнесмен эмас, харбий ҳам эмас, контракт асосида келган қандайдир мутахассис ҳам эмас, турист эмас, демак, у саргузашт қидирувчи авантюрист, қариб қолганидан кейин эса, ичкиликбозликка берилган маҳмадона бир чолдир. Бундай одамлар одатда кўп тилларни биладилар ва билган озгина билимларидан яхши, сермахсул, самарали фойдаланадилар.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, варваризмларнинг қўлланилиши – бу, шунчаки ёзувчи ёки гапирувчининг хархашаси эмас, балки тил коммуникатив функцияси пайтида тингловчи ёки китобхон учун таниш ёки нотаниш бўлган янги тил, янги дунё, янги маданиятнинг унсурларини у биладиган тилга олиб кириш ва шу йўл билан уни янги тил, янги маданият ва янги дунё билан таништиришдир.

Варваризмнинг бу маданиятлараро мулоқотда кўприк вазифасини бажариши яқин – яқингача тилшунослар томонидан инкор қилиб келинарди. Антропоцентризм парадигмасининг бу соҳага кириб келганигина масалага янгича ёндашув, янгича ҳукмлар яратилган ва шулар ёрдамида янги хулосалар чиқаришга олиб келди.

#### Адабиётлар:

1. Trnka B. A phonological analysis of present day standard English. Prague, 1995.
2. Haugen E. The analysis of linguistic borrowing, "Language", vol. 26. №2. S. 210 ff.
3. E.Hemingway "In another country" 1926, London.
4. G.Greene "Yuvosh amerikalik". 1904, London.
5. Blez Paskal, "Fikrlar".

(Тақризчи: Ш.Искандарова, филология фанлари доктори, профессор).